RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 26 APREL ◆ PAYSHANBA ◆ № 49 (26.751)

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган делегатлар — ёшларнинг энг фаол вакиллари иштирок этди. Анжуман ишида Ҳаракатнинг Ташаббус гуруҳи ва Маслаҳат кенгаши аъзолари ёшлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қурултой ўз ишини ҳайъат ва котибият аъзоларини сайлашдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТУЗИЛДИ

25 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди

Маълумки, бундан уч ой бурун мамлакатимиз ёшларининг янги ташкилоти — «Камолот» ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича Ташаббус гуруҳи иш бошлаган эди. Ўтган қисқа вақт ичида гуруҳ аъзолари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб, ёшларнинг мазкур ташкилотга муносабати, таклиф ва истаклари, фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Таъкидлаш керакки, бу ғоя нафақат ёшлар, балки жамиятнинг барча қатламлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда Ҳаракат фаолиятига оид хилма-хил таклифлар билдирилди.Бу эса ёшларнинг янги ташкилотга бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Анжуман қатнашчилари Ҳаракат Ташаббус гуруҳининг ҳисоботи ҳамда Дастур ва Низом лойиҳаси бўйича маърузани муҳокама қилдилар.

Дастур ва Низом жойларда ўтказилган йиғилишлар давомида билдирилган кўпдан-кўп таклиф ва фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ёшларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб тайёрланганги айтиб ўтилди. Ташкилотнинг меъёрий ҳужжатларини пишиқ-пухта тайёрлаш ишчи гуруҳининг муҳим вазифаси бўлгани қайд этилди. Улар АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Россия каби мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларининг иш услублари ва фаолиятини синчиклаб ўрганиб чиққани алоҳида таъкидланди.

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Дарҳақиқат, Дастурда сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, спорт ва жисмоний тарбия ҳамда халқаро фаолият соҳасида ташкилот аъзолари ўзларининг устувор йўналиш сифатида амал қилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.- Янги ташкилот аъзоларининг «Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун нима қилмоқдаман, деб яшаш керак», деган сўзларни дастуриламал қилиб олгани эса Ҳаракат ўз олдига фидойи ёшларни тарбиялаб, комил инсонлар этиб вояга етказишдек олижаноб мақсадни қўйганини тасдиқлайди. Қурултой иштирокчилари мазкур ташкилот қандай бўлиши лозимлиги, мақсад ва вазифалари, Дастур ва Низом лойиҳасига оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Бухоролик Нилуфар Жумаева, қорақалпоғистонлик Пўлат Мирзақулов, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ёшлари вакили Инна Зотова, хоразмлик Дилрабо Жуматова, андижонлик Нодира Абдураззоқова, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртидан Шокир Холиқов, Зулфия мукофоти совриндори, қашқадарёлик Шаҳноза Холмаҳматова ва бошқалар ҳаракатнинг бошқарув органлари бюрократик аппаратга айланиб қолмаслигини, аъзолар ташаббускор, фаол шахслар бўлиши кераклигини, улар «Ватан ягонадир, Ватан битадир» шиорига мос руҳда яшаши ва ишлаши зарурлигини таъкидладилар.

Қурултой арафасида «Камолот» жамғармасининг таъсисчилар йиғилиши ўтказилган эди. Унда жамғармани тугатиш, мол-мулки ва ваколатларини ихтиёрий равишда янги ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми лойиҳаси билдирилган фикр ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланди.

Қурултойда Ҳаракатнинг Марказий кенгаши, назорат ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

«Умид» жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Ботир Убайдуллаев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

Мамлакатимизда ёшларни бирлаштириш, эзгу ишлар сари етаклаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги ижтимоий ҳаракат вужудга келди.- Қурултой иштирокчилари Ҳаракат аъзолари озод ва обод Ватан барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қиладилар ҳамда бу ташкилот барча ёшларимизнинг таянчи ва суянчи бўлади, деб ишонч билдирдилар.

■ (ЎзА)

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни мамлакатимиз ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — «Камолот» ҳаракатининг таъсис қурултойи очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир.

Инсоният қадам қўйган янги — XXI аср глобаллашув асри, тараққиёт асри, фақат интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган давлатларгина дунёда устувор мавқе эгаллайдиган давр бўлиши барчамиз учун аён.

Мана шу йўлда мустақил Ўзбекистон давлати, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагини жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида кўришга азму қарор қилган заҳматкаш халқимиз ўзининг фидойи меҳнати билан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олиб, тинч, фаровон ва осуда ҳаёт кечиришга ҳақлидир.

Лекин, кишилик тарихидан яхши биламизки, бундай ёруғ истиқболга эришиш ҳеч қачон, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат учун осон ва енгил кечган эмас. Улар ана шу эзгу мақсадларга кўп-кўп оғир синовлар, ёвуз хатти-ҳаракатларни, тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб, шижоат ва мардлик, метин ирода, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, қатъият билан курашиш туфайли эришган.

Мана шундай машаққатли ва шарафли курашларда, буюк интилишларни амалга оширишда, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилишда, керак бўлса, жонини фидо этишда ёш авлод доимо ўрнак ва ибрат бўлиб келган.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётган бугунги кунда ўғил-қизларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган, эски замон асоратларидан бутунлай воз кечган, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан узвий боғлаган, Ватаннинг шаъни, ор-номуси учун курашга отланган ёш авлодни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ёшлар ташкилоти тузишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўйлайманки, сизларнинг ташаббусингиз билан ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шундай сафарбар кучга айлана олади. Узоқ-яқиндан келган қурултой қатнашчиларининг шижоати, бу борада жойлардаги учрашувларда, матбуотда билдирилаётган фикр-мулоҳазалар янги ташкилот ўз сафларида минг-минглаб фидойи ёшларни жипслаштира олишига умид уйғотади.

Ватанимизнинг буюк келажагини қуриш, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Ёшларимиз севиб куйлайдиган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи ҳар бир юртдошимизни Ватанни севишга, унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этади. Мен ана шу қўшиқнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, барча ота-оналар номидан сизларга, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимизга қарата айтмоқчиман: биз Ўзбекистонни ҳам, ёшларимизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз.

Чунки жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизни комил инсонлар этиб вояга етказиш, Оллоҳ таоло ато этган қобилиятларини рўёбга чиқариш учун уларга йўл очиб бериш ва барча имкониятларни яратиш — биз ота-оналар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўпмиллатли Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш-иродасини, уларнинг жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиз — қурултой делегатлари мураккаб ва шиддатли замон бугун олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни адо этиш борасидаги улкан масъулиятни чуқур англаб, «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман.

Ана шу олижаноб мақсад йўлида сизларга ғайрат-шижоат, қурултой ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон енгил саноати, жумладан, тўқимачилик саноати — халқ хўжалиги комплексида ўзининг муносиб ўрнини олган. Пахта хомашёсидан сифатли ва кўркам, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Мижозларни доимий сақлаб қолиш,- чет эл сармоядорларини кенгроқ жалб қилиш мақсадида халқаро молия корпорацияси ва дипломатик корпус вакиллари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати истиқболини ривожлантириш» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов очиб, юртимизда тўқимачилик тармоғининг ривожланиши йўлида олиб борилаётган улкан режалар ҳақида сўзлаб берди.

— Кейинги беш йил давомида 10 та тўқимачилик комплекси қуриб ишга туширилди, — деди нотиқ. — Юртимизда «Кабул—Ўзбек КО» (Корея Республикаси), «Аснам текстил», «Папфен» (Туркия), «Косонсой—Текмен», «Бухоротекс», «Наманган текстил», «Супертекстил» каби йирик қўшма тўқимачилик корхоналари, тикув ва трикотаж маҳсулотлари бўйича «Каштекс», «Гурлан», «Антекс» каби ўндан ортиқ акциядорлик жамиятларнинг фаолият бошлаганлиги яхши самаралар бермоқда. «Ўзбекенгилсаноат»нинг 2000 йилдан 2005 йилгача дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур соҳа келажакда экспорт салоҳиятини 500 миллион АҚШ долларига етказиши лозим. Бунинг учун мавжуд корхоналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 1 миллиард 200 минг АҚШ доллари талаб этилади. Тез кунларда Чиноз, Оқсарой, Фарғона тўқимачилик комплекслари ишга тушириладди.

Ўзбекистонда халқаро молия корпорацияси бир неча вақт мобайнида бу соҳа салоҳияти билан танишиб, тўқимачилик тармоғини ривожлантириш ҳамда жаҳон бозорига тайёр маҳсулотлар билан кириб боришимиз учун керак бўлган маблағни сармоя сифатида ажратишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Анжуман сўнгида пахта хомашёсини қайта ишлаш, уларни ташиш бўйича ўзаро транспорт воситалари муаммолари ҳам муҳокама қилинди.

■ **Умида МАНСУРОВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбек кураши том маънода жаҳоний мақом олиб, оммалашиб бормоқда. Ҳар икки куннинг бирида турли мамлакатлардан кураш бўйича федерациялар тузилаётгани ҳақида хушхабарлар келаётгани ҳам шундан. Биламизки, кураш бўйича жаҳон чемпионати Тошкентда ўтказилгани, халқаро беллашувлар байроғи кўтарилгани ўзига хос байрамга айланганди. Турли мамлакатларда ўсмирлар ва катталар ўртасида халқаро ва ҳудудий биринчиликлар ўтказилаётгани ҳам сир эмас. Мана энди Осиё кураш конфедерацияси илк марта Осиё чемпионатини Тошкентда ўтказишга қарор қилди.

ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАБ

Бир кундан кейин қитъа биринчилиги байроғи кўтарилади

Нуфузли беллашувга пухта ҳозирлик кўраётган мезбонлар бундай мусобақаларни ўтказиш, ташкил этиш бўйича тўплаган тажрибаларини қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Беллашувлар пойтахтнинг «Юнусобод» спорт саройида ўтказиладиган бўлди. Бу ерда спортчилару меҳмонларга хизмат кўрсатиш, мусобақаларни ташкил этиш бўйича барча шароитлар яратилган. Куни кеча миллий матбуот марказида ўтказилган йиғилишда иштирок этган республика спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов, Осиё кураш конфедерацияси бош котиби Микеш Кумар, эронлик ҳакам Ризо Насирий ва бошқалар журналистларнинг қизиқтирган саволларига жавоб беришди. Маълум бўлишича, икки кун давом этадиган беллашувлардан кейин Осиё чемпионлари аниқланади. Қитъанинг 16 мамлакатидан келган 100 га яқин курашчи ўзаро баҳслашади. Мусобақага мезбонлар ҳам пухта шайланишган. Хусусан, бухоролик Рамзиддин Саидов, Файзи Очилов, Қашқадарёдан Нодир Муаффаров ҳамда қорақалпоғистонлик Зулхижжа Худоёроваларга умид боғланмоқда.

СПОРТ

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

ОЧИҚ ГАПЛАР

ОСОНЛИКДА ОБРЎ ЙЎҚ

Иштихон туманида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда йўл қўйилган хато-камчиликларга тезда барҳам берилиши лозим

Бир шикоят хати юзасидан журналист текшириши ўтказиш мақсадида туманга бордик.

— Куни кеча навбатдан ташқари сессия бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Туман ҳокими ишни эплай олмаганлиги ва халқ билан тиллашиб, дардлаша олмаганлиги учун вазифасидан бўшатилди, — дейди таҳририятга шикоят хати ёзган, ёши саксонлардан ошган отахон. — Ёшингиз бир жойга бориб қолган экан. Шикоят хати ёзиб нима қилардингиз, дея кулишингиз мумкин. Ахир, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун мен ёнмасам, сизлар куймасангизлар, хато-камчиликларимизни қачонгача навбатдан ташқари сессияларда айтамиз? Унгача нега қўл қовуштириб ўтирамиз? Иштихондаги баъзи раҳбарлар беғам ва масъулиятсиз бўлиб қолишганига анча бўлди. Шу боис, адолатни, ҳақиқатни ҳаққоний ёритаётган газеталарингизга фикр-мулоҳазаларимни ёздим.

Туманга раҳбарлик қилган собиқ раҳбарлардан бири қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликни авж олдирган бўлса, ундан кейинги ҳоким Ҳасан Ҳақназаров деҳқончиликдан мутлақо бехабар экан. Устига устак кадрлар салоҳияти ва мутахассислигига эътибор бермади. Ҳатто, баъзи бир хўжаликларга сохта дипломга эга бўлган кимсалар раислик қилди. Шариф Одилов номли жамоа хўжалиги раиси Тоштемир Мамадиёров ишни барбод қилганлигига қарамасдан «Чимқўрғон» хўжалигига ўтказиб қўйилди. Абдураҳмон Ашуров хўжаликни ночор аҳволга солиб қўйганлиги учун ўз аризасига кўра ишдан олинди ва... яна мансаб билан сийланди. Ўтган йили туман хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигига тегишли ташкилотлар раҳбарлари икки мартадан алмаштирилди. Раҳбарларни алмаштириш ва тайинлаш «ўйин»лари бўлиб ўтди. Ер талон-торож қилинди. Баъзи бир мансабдор шахслар кўплаб гектарларга бозорбоп экинлар экишди. Олинган маҳсулотлардан чўнтакларини қаппайтиришди.

А. Бердиқулов номли жамоа хўжалигида ғалладан 48 центнердан ҳосил олинган бўлса, у билан ёнма-ён А. Йўлдошев номли жамоа хўжалигида бу кўрсаткич аранг 29 центнерни ташкил этган. «Янгикент» ширкат хўжалигида ҳар гектар ғаллазордан 4,5 центнердан ҳосил олинганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ер, сув ва иқлим шароити бир хил хўжаликлар натижаси ўртасидаги бундай катта фарқ кўзбўямачилик, ўғрилик ва масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Иштихонда бултур ғалла ишлаб чиқариш — 48, пахта — 39 фоизга камайиб кетди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам режалар уддаланмади. Бунга сув танқислиги рўкач қилинди. Лекин мансабдорларнинг ноқонуний эккан экинлари жўякларидан сув аримади.

Бошқа соҳалар-чи? Уларда ҳам иш кўнгилдагидек эмас. Деярли барча корхоналар қарзга ботган. Маҳаллий солиқлар, сув, мулк солиғи, давлат божи тўловлари бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилмайди. «Иштихонконсерва» заводи базасида қўшма корхона очилганди. У ҳам талаб даражасида ишламаяпти. Бундан ташқари 17 та корхона ўз фаолиятини тўхтатган. Қишлоққа чет эл сармояси жалб қилинмаяпти. Дўконларда саккиз хил маҳсулот камёб.

Ижтимоий соҳаларда ҳам ишлар ўлдаржўлда. Мактабларнинг 77 таси мослаштирилган бинода фаолият кўрсатмоқда. Компьютер хоналари бармоқ билан санарли. 40 та болалар боғчасининг 14 таси ишламаяпти. Оналар ва болалар ўлими вилоят кўрсаткичидан юқори. Туғруқ ёшидаги аёлларнинг 37 фоизигина диспансер назоратидан ўтган. Шифокорлар халқ саломатлиги йўлида ташаббус, саъй-ҳаракат кўрсатмаётганлиги ачинарлидир.

Иштихонга Булунғур тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Т. Худойназаров биринчи раҳбар бўлиб келди. Деҳқончилик сир-асрорларини биладиган, ҳокимликда анча-мунча тажриба тўплаган Тўхта ака иштихонликларнинг ишончини оқлармикан? Чунки Иштихонда орзу ҳам кўп, армонлар ҳам мўл. Буни эса энг одил ҳакам — вақт кўрсатади.

■ **Норбобо ШАКАРОВ,**
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ҚАЛБГА ЯШИРИНГАН КЎЗЛАР

Кўнгли ўксик инсонлар бир оғиз ширин сўзни тинглаб бир олам қувонч эгаси бўладилар. Мамлакат кўзи ожизлар жамиятига қарашли корхоналарда меҳнат қилаётган кишилар орасида шундайлар борки, улар бугунги шарофатли кунлар — мустақиллик нашидаси билан ҳаёт кечирмоқдалар. Тошкентнинг Миробод тумани Мунис кўчасида жойлашган чўтка, картон маҳсулотлари ўқув ишлаб чиқариш корхонаси аҳли ана шундай кишилардир. Корхонанинг беш юзга яқин ишчиси ўтган йили 108 миллион сўмлик маҳсулотни сотишга эришди. Ишлаб чиқаришда ўзига хос муносиб силжиш бўлди. Айниқса, пахта тозалаш заводлари учун техник чўткага талаб ортди.

Бу корхона меҳнат аҳли учун баҳор байрами шодиёналарини «Ўзозиқовқаттаъминот» давлат акциядорлик компанияси раиси Зафар Файзиев бошчилигидаги ҳимматли гуруҳ хайрия тадбирини ўтказиб беришни ўз зиммасига олди. Корхонанинг барча фахрийлари, ишчи ва хизматчилари тўкин дастурхонда зиёфатга чорланди. Санъаткорлар қўшиқлари, Ғафур Ғулом номидаги маданият уйи рақсоса қизлари шодиёнага файз бағишладилар.

Тадбирда республика кўрлар жамияти раиси О. Аҳмаджонов, «Ўзозиқовқаттаъминот» компанияси раиси ўринбосари Р. Ҳамидбеков, корхона раҳбари Б. Абдужабборов шодиёна билан муборакбод этдилар.

■ **Абдулла ПЎЛАТОВ**

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

ЁЗЁВОННИ ЧЎЛ ДЕГАНЛАР АДАШАДИ

Ёзёвон Фарғона водийсининг қоқ марказида жойлашган навқирон туман. Ёзёвон деса чўл, кўз илғамас қум барханлари, жазирама, туроғию саксовул, судралувчи жонзотларни кўз олдига келтирадиган одамлар бу ерга биринчи келишданоқ ўзларининг янглиш тасаввурда эканликларини эътироф этмоқдалар.

Зеро, туман халқи қолоқлик, муваффақиятсизликнинг аччиқ аламларини ҳам тотиб кўрди. Туманда 3-4 йиллаб сурункасига режалар бажарилмасди. Раҳбарларнинг боши эгик, вилоятдаги катта йиғинларда жойни орқароқдан мўлжаллаб ўтириларди. Вилоятдаги бирор мутахассис мажлисда ахборот бериб қолса тусмолдан ҳам Ёзёвоннинг номини танқидга тиркаб юбораверириши урфга кирганди. Мухбирлар ҳам танқид керак бўлса, сира иккиланмай Ёзёвонга йўл оларди...

1997 йил охирларида туманга ҳоким этиб тайинланган Холматжон Комилов ҳам қолоқлик оғриқларини қалбдан ўтказди.

— Юртбошимиз кўрсатиб бераётган иқтисодий ислоҳотларни дадил амалга оширишгина бизни бу гирдобдан чиқаришини англаб етдик, — дейди Х. Комилов. — Ерни ўз эгасига бериш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, раҳбарнинг масъулиятни ўз елкасига олиб ишлаши, деҳқонни пировард натижадан манфаатдорлигини ошириб, қизиқтириш каби кенг кўламдаги ишларни қаттиққўллик, талабчанлик билан олиб бориш зарур бўлди. Ёзёвон фермерлар туманига айланди, десак муболаға бўлмайди. Ҳозир туманда 500 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Хўжаликлар билан шартнома тузган ижарачилар ва фермерлар яна кўп. Олтита хўжаликнинг 1999-2000 йилларда санацияланиб, иқтисодий соғломлаштирилиши ҳам катта имконият яратди. Натижада 2000 йилда туман буғдой, пахта режаларини вилоятда олдинги ўринларда бажарди.

Ёзёвонлик ғаллакорлар қумлик, шўрхок ерларда ҳам ғалладан рекорд ҳосил олиш имкони борлигини исботлади. 2000 йилда Ёзёвонда давлатга 15 минг тоннадан ортиқ дон сотилди. Обиджон Сотволдиев, Содиқ Тўраев, Зуҳрахон Қўлдошева, Ҳамдам Буваев каби ижарачи ғаллакорлар ҳар гектар ердан 60 центнерга етиб ҳосил кўтаришди. Бултурги йилда «Фарғона дон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан бевосита шартнома тузган фермер хўжаликларининг ҳаммаси ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. «Ғолиб», «Умарча ота», «Иқбол», «Олмос», «Азамат», «Раззоқбой» каби ўнлаб фермер хўжаликлари вилоятга довруқ таратишди.

Мамасиддиқ Абдуллаев деган бир олий маълумотли агроном бор. Туман қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш бўлими раҳбари бўлиб биноийдай ишлаётганди. Туйқусдан ариза ёзиб бўшаб, «Ҳамал» деган фермер хўжалиги ташкил қилди.

— Президентимизнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини эшитдим-у, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим, — деганди у ўшанда, — ахир Фарғонанинг, Ёзёвоннинг шаънини кўтариш бурчим-ку! Юртбошимиз ерни қўлимизга берянти. Ўзингникидай бил, ишла, даромад топ, юртингга ҳам бер, нима муаммоинг бўлса, менга айт, демоқда Бу гапдан ҳаяжонланмаган деҳқон деҳқонми?! Худо хоҳласа, фермерчилик юртимизга катта барака олиб келади.

«Ҳамал» фермер хўжалиги биринчи йилиёқ буғдой ва пахтадан катта ҳосил олди, соф фойдага эришди. 20 гектар ер буғдойдан 46 центнер, пахтадан 35 центнердан ошириб ҳосил кўтарди.

Ҳозирда Ёзёвонда бирорта тажрибакор пахтакор, ғаллакор, чорвадор, боғбон ёки сабзавоткор йўқки, ўзининг фермер хўжалигини тузмаган бўлсин. Туман фермерлар уюшмаси ҳисобида 355 та деҳқончилик, 28 та чорвачилик, 63 та боғдорчиликка ихтисослашган фермерлар бор.

Тумандаги «Жаҳонгир», «Алмаз», «Абдужаббор», «Келажак», «Гулистон», «Марказий Фарғона», «Мингчинор», «Ал-Мансур», «Нурафшон», «Феруза» кичик корхоналари ва фирмалари раҳбарлари Президентимизнинг ёшларимиз келажаги тўғрисидаги ғамхўрликлари ва даъватларига «лаббай» деб жавоб беришиб, мактабларни оталиққа олиш ташаббуси билан чиқдилар. Улар ўз маблағлари ҳисобидан тумандаги мактабларни таъмирлаш, ўқув қуроллари олиб бериш ва бошқа моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ишларини бошлаб юбордилар. Бу ниҳоятда хайрли ташаббус вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда ҳозирда кенг қулоч ёзмоқда.

Айниқса, «Келажак» фирмаси раҳбари Маҳмуджон ҳожи Матқосимовнинг ҳиммати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. У Тошҳовуз қишлоғида ўз ҳисобидан мактаб биносини қуриб беришни ният қилди. Ёш тадбиркор йигит мактаб биносини мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами кунларигача қуриб, фойдаланишга топшириш учун ишларни бошлаб юборди. Тумандаги момиқ фабрикасида уста бўлиб ишлаган бу йигит, дастлаб яроқсиз пахта увадасини қайта ишловчи кичик цех очди. Ҳозирда у бир неча «Вата» ва «Прима» маркадаги пахта момиғи чиқарувчи цехларга эга. Ишлаб чиқарилаётган саноат хомашёси ўз юртимизда сотилишидан ташқари Россия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

2000 йилда Маҳмуджон ташландиқ ётган биноларни сотиб олиб, чорвачилик фермер хўжалиги ташкил этди. Қисқа вақтда хусусий фермадаги қорамоллар сони 100 дан ошиб кетди. Эндиликда ишбилармон йигит бу ерда сутни қайта ишлаш ва музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи қуриш мақсадида елиб-югурмоқда.

Ёзёвон ишбилармонлари ҳақида гапирганда, Сойбўйи қишлоғидаги Шерматовлар сулоласи биринчи тилга олинади. Умр бўйи деҳқончилик қилиб ўтган Самсоқ отанинг 10 нафар ўғли қишлоққа саноатни олиб кириш ташаббускорлари бўлдилар. Ҳозирда туманда Шерматовларнинг бир неча фирмалари фаолият кўрсатмоқда.

Ёзёвондаги бораётган ишларга, ўзгаришларга қараб, иштиёқ билан ишлаётган, ҳар куни бир янгилик яратаётган, орзу-мақсадлари йўлида тиниб-тинчимаётган одамларни кўриб бир хулоса ўз-ўзидан фикримизда намоён бўлди: Ёзёвон — XXI аср тумани! Ҳали бу ерда жуда катта ўзгаришлар, юксалиш рўй беради.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**
Умаржон ИСМОИЛОВ, Ёзёвон тумани «Марказий Фарғона» газетаси муҳаррири

СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ



Россиянинг Воронеж шаҳрида америкалик Жорж Тоббин устидан суд жараёни бошланди. Жорж гиёҳванд моддасини сақлашда, шунингдек, бошқаларни ҳам гиёҳвандликка ундашда айбланаяпти. Бироқ ҳозирча у ўз айбига иқрор бўлганича йўқ.

Тоббин Россияга Американинг Фулбрайт жамғармасининг совриндори сифатида тавсиянома билан келган. Айни пайтда у Воронеж университети аспирантурасида ўқиётган ва россияликларнинг сўнгги йиллардаги сиёсий қарашлари ҳақида илмий иш қилаётганди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АРИЗА

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи «Чегарасиз репортёрлар» ташкилоти Европа Иттифоқи парламенти ассамблеясига сўз эркинлигига тўсқинлик қилаётгани учун Россияга қарши санкция чораларини кўриш аризаси билан мурожаат қилди. Бироқ маълумотларга кўра, бу ариза ҳозирча инобатсиз қолдирилган. Бу ташкилотнинг ЕИПА раиси лорд Рассел Жонистон номига юборилган мактубида «репортёрлар» бу талаб инобатсиз қолдирилаётганидан ажабланишади. Мактубда ёзилишича, «ҳукумат мамлакатдаги энг нуфузли мустақил ОАВни назорат остига олиш учун аниқ стратегик лойиҳа асосида иш олиб бормоқда».

НОРОЗИЛИК

АҚШ мухожирлар хизмати агентларининг мамлакат ҳудудидан 39 нафар ноқонуний мухожирларни чиқариб юборишлари Калифорнияда истиқомат қилувчи Лотин америкаликларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ноқонуний мухожирларнинг мамлакатдан чиқарилишига сабаб уларнинг жамоатчилик орасида ўзларини ўринсиз тутишаётгани деб кўрсатилса-да, асосан Лотин америкаликлардан иборат бўлган маҳаллий аҳоли федерал хизматини рассизмга мойилликда айбламоқда.

ПОП ҚИРОЛИ ЯНА САҲНАДА

Ҳа, мусиқа қироли Майкл Жексон яна саҳнага қайтди. Бирмунча танаффусдан сўнг Жексонни «Эртаклар олами»да яна кўриш нафақат мухлисларни, унинг ўзини ҳам ҳаяжонга солмоқда. Концерт икки жиҳати билан ҳалитдан шов-шувга сабаб бўлмоқда. Биринчидан, концерт унинг эстрада саҳнасига қадам қўйганига 30 йил тўлиши муносабати билан бўлса (ҳозир 42 ёшда) иккинчи жиҳати — саксонинчи йиллардан буён у биринчи маротаба «юлдузлар» даврасида чиқмоқда. Майкл билан биргаликда Уитни Хьюстон, Shaggy, N'Sync ва албатта Бритни Спирснинг чиқиши кутилмоқда. Шошилинг, концерт Нью-Йоркдаги машҳур Madison Sguare Gardenда бўлиб ўтади.

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Қўрғонтепа туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон ХДП МК III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди. Дилбархон Аҳмедова Ўзбекистон ХДП Қўрғонтепа туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши котиби А. Носиров сўзга чиқди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгашининг пленумида «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг III пленуми қарорларини амалга ошириш борасидаги вазифалар тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Пленум Муталлиб Мадаминовни ХДП Бўз туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайлади.

* * *

Партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала Янгийўл, Оҳангарон шаҳарлари ва Ўрта Чирчиқ, Зангиота, Чиноз, Қоровулбозор, Шайхонтоҳур туман партия кенгашларининг пленумларида ҳам кўриб чиқилиб, уларда тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

ХДП Тошкент вилоят кенгаши шаҳар ва туман партия кенгашлари аппаратида ҳисоб ҳамда иш юритиш масалалари билан шуғулланувчи масъул ходимлар ўқувини ташкил этди.

Семинар иштирокчилари Олмалиқ шаҳар партия кенгаши иш юритиш ва ҳисоб олиб бориш амалиёти билан яқиндан танишдилар.

* * *

ХДП Жондор туман кенгаши ҳузуридаги депутатлар хонасида турли юмушлар билан келаётган сайловчиларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Масалан, Жондор шаҳарчасидаги Навоий кўчасига 1,5 км. газ қувурларини ўтказиш, Садриддин Айний кўчасига асфальт ётқизиш, туман маиший хизмат уйида 15 кишилик кичик тикув корхонасини ташкил этиш, Ушод, Пулоти, Поччойи қишлоқларини ободонлаштириш каби аҳоли учун долзарб муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари Амина Бобоева, Бобомурод Шодиев, Зариф Мадиев, Аскар Жаводов, Ином Мўминовларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

* * *

ХДП Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан Шерозий номли маҳаллада Оналар ва болалар йилига бағишланган «Замонамиз қаҳрамонлари» мавзуида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Шунингдек, мазкур кенгашнинг тарғиботчилар гуруҳи аъзолари «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти ва «Саноатқурилишбанк»нинг вилоят бўлими ходимлари ҳузурида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган «Фуқаронинг ҳуқуқий тафаккури» мавзуида суҳбат ўтказдилар.

* * *

Избоскан туман партия кенгаши тумандаги «Қашқарлик» маҳалласида «Оила маънавияти» мавзуида мунозара кечасини уюштирди. Шунингдек, фуқаролик жамияти муаммолари муҳокамасига бағишланган мулоқот Янги қишлоқ партия фаоллари ўртасида мазкур туман ХДП кенгаши томонидан, ташкил этилди.

* * *

ХДП Китоб туман кенгаши «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган йиғилишни ташкил қилди. Ушбу бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва маҳаллалар фаоллари иштирок этган тадбирда олимлар, ёзувчилар маъруза қилдилар.

* * *

Шаҳрисабз туман партия кенгаши «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими ва «Садо» ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан қаровсиз ер ўзлаштирилиб, унга 300 дона мевали кўчат ўтказилди. Бу ерга «Саломатлик боғи» номи берилди.

* * *

Булоқбоши тумани ташкил топганлигининг 10 йиллиги муносабати билан ХДП туман кенгаши томонидан тантанали кеча уюштирилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Хатирчи туман кенгаши ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар орасидан, салоҳиятли жамоатчи йигит-қизларни аниқлаш бўйича мақсадли иш олиб бормоқда. Бунинг негизида маҳаллий партия ташкилотлари раҳбарлари, партия ходимларининг кадрлар заҳирасини шакллантиришга ҳаракат қилинмоқда.

ХДП Хатирчи туман кенгаши яқинда бир гуруҳ ёшлар билан ечимини кутаётган қатор муаммолар юзасидан баҳс-мунозара ўтказди. Ўрта мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик, касб-ҳунар коллежларини битирган мутахассисларни иш билан таъминлаш каби масалалар учрашув қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Тадбир сўнггида туман партия кенгашининг биринчи котиби Р. Раббимов бизнес-мактабнинг 11 нафар ўқувчисига партия билетларини топширди.

* * *

Наманган тумани партия кенгаши «Чоршанба оқшоми» дам олиш дастурини кам таъминланган оилалар, саломатлиги етарли бўлмаган болалар учун ташкил этиб, 7 нафар ногиронга махсус аравачаларни топширди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ ЭКСПОРТБОП

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларнинг нечоғли экспортга жўнатилаётганлиги билан белгиланади.

Чирчиқ трансформатор заводи ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда тайёрланаётган 138 турдаги трансформаторлар, қуввати 4 кВадан 40 минг кВ гача, кучланиши 023 кВ дан 110 кВ гача бўлган электр кичик станцияларга бугун хорижда талаб катта.

— Шу йил икки ойида 348 миллион сўмга яқин маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга жўнатилди, — дейди Чирчиқ «Трансформатор» ОТАЖ раиси Улуғбек Маткаримов. — Шунингдек, ўтган йил биринчи чоракда 14 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилган бўлсак, шу йилда икки ойнинг ўзида 360 минг АҚШ долларлик маҳсулотни хорижий буюртмачиларга етказиб бердик. Насиб этса бу йил ялпи маҳсулотни 2 миллиард сўмга етказмоқчимиз.

Корхонада муаммолар бирин-кетин бартараф этилиб, ишлаб чиқариш суръатини ошириш йўллари қидирилмоқда. Биргина ишлаб чиқарилаётган трансформаторларнинг айрим қисмларини ўтган йилларга нисбатан четдан олиб келинишини 30 фоизга камайтирилганлигининг ўзи ҳам корхона ишлаб чиқариш қувватлари ошиб бораётганлигидан нишона.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

* * *

Суратларда: 1. Бош технолог Хаман Шалхоров чилангар Эгамқул Айнашев билан фикрлашмоқда. 2.Тайёр маҳсулотлар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЎНГЛАНИШ

Шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли кундан-кунга очилиб бораётир. Кўплаб иншоотлар, уй-жой бинолари бунёд этилмоқда. Шахсий уй-жой қурувчи фуқароларни айтмайсизми? Бундай улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда «Ўзқурилишматериаллари» компаниясига қарашли корхоналарнинг хизмати беқиёс албатта. Қурилиш «нони» — цемент ишлаб чиқарувчилар борми, ғишт пиширувчилар борми, барчасининг меҳнатига тасаннолар айтса арзийди.

«Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамияти ҳам шулар жумласидандир. Корхонада асосан асбестцемент қувурлар, асбестцемент муфталар, силлиқ асбестцемент листлар, том ёпиш учун мўлжалланган тўлқинсимон шиферлар ишлаб чиқарилади. Хуллас, ушбу корхона маҳсулотларининг харидори кўп.

Акциядорлик жамиятида бундан икки-уч йиллар аввал аҳвол оғир эди. Ташмачилик, ўғирликлар юз бериб турарди. Шу боис матбуотда, радио ва телевидениеда кўплаб танқидий чиқишлар бўлди.

Танқид келажакнинг меваси деганларидек, аҳвол ўнгланди. Кадрлар жой-жойига қўйилди. Корхона мулкига ўзлариникидек муносабатда бўлиш шароити юзага келди. Раҳбарлар эса ишчи-хизматчилар ҳақида кўпроқ қайғурадиган бўлишди. Корхонадаги экологик вазиятни яхшилаш ҳам унутилмади. Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Иссиқхонада эса лимондан тортиб, бодринг, помидор ва ошкўкларгача бор.

Цехлардаги аҳвол ҳам ўзгача. Эскириб қолган бинолар таъмирланмоқда. Янги-янги қурилмалар, дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Кўплари таъмирлаб қўйилган. Қувватларни ошириш учун барча чоралар кўрилди. Энг муҳими, бугунги кунда қандай қилиб бўлса-да маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эмас, балки унинг сифатини оширишга эришиляпти. Зеро, бугунги кун талаби ана шундай шижоатни, тадбиркорликни талаб этади.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида бундай деган эдилар: «Корхоналарнинг йўналишини олдиларига асосан учта муҳим режани рўёбга чиқариш масаласини қўйдилар. Бу йўналишларнинг биринчиси, корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишдир. Бинобарин, корхона шу вақтгача бирон марта ҳам ўз маҳсулотини ташқи бозорга олиб чиқиб сотмаган ва бунга ҳеч қачон интилмаган ҳам. Шу йилнинг бошларида эса корхона тарихида биринчи марта хорижга маҳсулот сотиш юзасидан шартнома имзоланди. Шартномага биноан қўшни Тожикистон Республикасига 160 минг долларлик турли маҳсулотлар жўнатиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Яқиндагина Туркманистон Республикаси билан ҳам 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан шартнома тузилди.



Корхонани ривожлантириш режасини амалга оширишнинг иккинчи йўналиши шуки, маҳсулот сифатини тинмай ошириб боришдир. Сифат эса хомашёнинг қандайлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Корхона авваллари асосий хомашё — асбестни Қозоғистон Республикасидан оларди. Хомашё унчалик сифатли бўлмагани боис корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг ташқи кўриниши эътирозларга сабаб бўларди. Шу боис хомашё келтириш бўйича ҳам муҳим қадам қўйилди. Россия Федерациясининг Оренбург шаҳридаги корхоналар билан шартнома тузилиб, акциядорлик жамиятига дастлабки вагонлардаги асбест келиб тушди. Бундан ишчи-хизматчиларнинг қувончи чексиз.



— Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини тезлаштириш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ҳамда бутловчи қисмларни ўзимиздаги мавжуд хомашёдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича дастурни бажариш эса ривожланишимизнинг учинчи йўналишидир, — дейди «Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамиятининг раҳбари Эргашали Умрзоқов. — Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ўзимизда ишга солинмаган катта имкониятлар мавжуд. Шу боис биз четдан келтириладиган хомашёни маҳаллий хомашё билан алмаштириш йўлида иш олиб боряпмиз. Шундай имкониятлардан бири шуки, тоғ минералларини печда қуйдириш орқали тола олиш ва асбест ўрнида фойдаланишдир. Бунинг учун махсус кичик печ қуришга қарор қилдик.

Биз бозор коньюнктурасини ўрганиш мақсадида мутахассисларимиз билан биргаликда Тошкентдаги йирик қурилиш материаллари бозорларини кезиб, кўздан кечирдик. Айтганларича бор экан. Қирғизистонда ишлаб чиқарилаётган шиферлар харидоргир экан. Негаки, унинг сифати яхши бўлиши билан бирга ташқи кўриниши ҳам чиройли. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил деганларидек, бундан биз ҳам ўзимизча хулоса чиқариб олдик. Яқин келажакда бозорни тўлиқ эгаллаймиз, деган умиддаман.

Айтмоқчи, биз бу борада аниқ бир қадам қўйдикки, турдош корхоналар ичида биринчи бўлиб рангли шифер олишга эришяпмиз. Яқин кунларда шундай шиферлар тайёрлайдиган цехимизни ишга туширмоқчимиз. Энг муҳими, рангли шифер чиқарадиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар четдан олиб келингани йўқ. Уларни корхонамизнинг мутахассислари ва Тошкентдаги тажриба-механика заводи, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олиму ишчи-хизматчилари яратиб, ишга туширишга арафасида.

Кейинги пайтларда корхонада чиқитсиз технология асосида иш юритилмоқда. Илгарилари шифер чиқитлари уюлиб ётарди. Бу экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатарди. Эндиликда ана шу чиқитлар қайта ишланиб, деворбоп ғиштларга айлантирилмоқда.

Умуман корхона ишчи-хизматчилари ўтган 2000 йилни муваффақиятли якунлашди. Йиллик режалар ортиғи билан уддаланди. Акциядорлар мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган йилни ҳам муваффақиятли бошлашди. Икки ойлик натижаларига кўра шифер ва асбестцемент қувурлар ишлаб чиқариш ва уни сотиш режаси уддаланди.

Одамларга яратиб берилаётган моддий ва маънавий шароит уларни янги марраларга ундамоқда. Ғамхўрликдан руҳланган акциядорлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

13 ЁШЛИ «INTERNET - ЖИНОЯТЧИ»

Кейинги вақтларда Интернет нафақат ахборотлар, балки турли зарарли омиллар манбаи ҳам бўлиб қолмоқда.

Яқинда Манчестер полиция хизмати Интернетга порнографик суратлар тарқатувчи жиноятчиларни топиш бўйича махсус тадбир ўтказди. Операция



якуни 22 нафар «интернет-жиноятчи»ни қўлга туширишбилан якунланди. Ачинарлиси шундаки, улар орасида Торнэби шаҳрида истиқомат қилувчи 13 ёшли ўспирин ҳам бор. Ёш «интернет»чи магнит дискда сақланаётган ҳаёсиз суратларни сайтларга жойлаштириш билан шуғулланиб келган. У бу суратларнинг бутун дунё бўйлаб тарқалишини яхши билган. Шу ўринда савол туғилади. Наҳотки, бундай ноҳўя хатти-ҳаракатлар олдини олиш қийин бўлса? Афсуски, Интернет асосчилари миллионлаб сайтлардан ахборот олиш ва ахборот жойлаштириш имкониятини яратишганда, инсонларнинг ғараз ниятда фойдаланиш мумкинлигини инобатга олмаган экан. Чунки, жиноятчилар хатти-ҳаракатларни ўзга сайтлар ёрдамида амалга оширади.

АЁЛЛАР УЧУН ВАГОНЛАР

Токио электр поездларида энди ҳар куни кечки пайт аёллар учун махсус вагонлар ажратилади. «Кэйо дэнтэцу» транспорт компанияси раҳбарияти шу йўл билан аёлларни маст-аласт эркакларнинг шилқимлигидан ҳимоя қилмоқчи бўлишмоқда.

ХОРИЖДА

КИРКОРОВ ГАМБУРГЕР СОТДИ

Бу бор гап. Филиш Киркоров, Павел Буре, Аркадий Укупник, Глызин ва бошқа Россия «юлдуз»лари Москванинг «Ав-

томале» сайилгоҳида мижозларга турли хил савдо хизмати кўрсатишди. Дастлаб бир ярим соат мобайнида Киркоров, Павел Буре, навбати билан Аркадий Укупник ва бошқалар ўз мухлисларига гамбургер сотишди. Севган машҳур кишиси қўлидан егулик харид қилиш мухлислар хотирасида абадий сақланиб қолиши, табиий. Албатта, бу тадбир меҳр-мурувват руҳида ташкил этилди. Тадбирдан тушган маблағлар ночор болаларга улашилди. Тан олиш керак «юлдуз»ларнинг бундай йўл тутиши мақтовга лойиқдир.

ОЙДАН ЕР СОТИБ ОЛДИ

Иш билганга минг танга, дейишади. Лекин бу гап ўша ишлаб топилган пулни қандай сарфлашга ҳам бориб тақалади. Шундай экан Ой сатҳидан ер майдони сотиб олган литвалик бир ишбилармоннинг бу ишини қандай аташ мумкин? У ерни арзимас пулга сотиб олганидан хурсанд бўлиб юрибди. Бу ишбилармон ўзининг Ойдаги мулкидан қандай фойдаланишни ўйлаб кўрганмикан? Буни вақт кўрсатади.

■ Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

«МОДА»ДАН ҚОЛГАН «МОДА»ЛАР

(ЛИБОСЛАР КЎРИГИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР)

Янгилик яратилмайди, туғилади. Биз истаймизми- йўқми у туғиларади. Либослар, замонавий либосларнинг русум бўлишиям худди шундай, минг қарши бўлинг, истанг, истаманг «мода», наинки у ердан бу ерга, балки қитъалар оша «учади». «Учади» дейишимнинг боиси, модадан учқури йўқ, йил у ёқда турсин, ҳар мавсумда янги-янги русумдаги либослар, пойабзал, бош кийим, хуллас бошимиздан товонимизгача (тирноғимизгача) мода бизни ўз измига бўйсиндириб олаверади.

Либослар. Бугунги либосларимизга, модаларимизга бир разм солайлик. Тўғриси, моданинг «яхши», «ёмони», «калтаси», «узуни», «оқи», «қораси» бўлмайди. Мода-мода, демак, кияверамиз, харид қилаверамиз. Шунинг учун у «мода». Бозорларга ўтамиз. Отчопардамиз. Бугунги бозор расталари, дўконларимиз лиқ тўла моллар, тайёр кийим, пойабзал, болалар, аёллар, эркаклар, еттидан етмишгача «мода»даги моллар. Аксарияти хорижники. Раста-раста асл моллар, асл молнинг баҳосиям ўзига яраша. Бироз қизиқсиниб харидорларни кузатдим. Ёшгина қизи билан бир аёл сотувчидан юбка-кофтанинг баҳосини сўради. Аёлнинг нархидан капалаги учди:

— Шу жулдур энгил-бошнинг нархи бунча қиммат?

— Асл мол! — жавоб қисқа. — Супер-мода! Четники-четники!

— Юбками шу, бир қарич мато-я?! Кофтаси-чи, суньий мато-ку, одамни иссиқ кунда терлатиб «бўғади»-ку, супермодалиги майли-я... Четники, хориж-хориж, нима ўзимизнинг модамиз йўқми?

— «Бизники», «алмисоқдан қолган» модалар, ҳув нарёққа боринг, балки бордир. Агар бўлса...

Хуллас, харидор олади, иқлимбопми, калтами, узунми олади. Ахир мода-ку. Бу таниш манзара, эски гап. Кўз олдимда 3-4 йил олдин бир харидор хотин чарм камзул учун бувисидан қолган ой балдоғини арзон гаровга сотганини эсладим.

Эски гап-у, ўйланиб қолдим. Наҳотки, бизда шундай супермода кийим-бош тикишмаса?, Яратишмаса?! Бунинг учун мато керак. Бизда мато, ўша «мода», «иқлимбоп» матоларни — «Косонсой Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонаси, тўқимачилик саноатимиз ишлаб чиқаряпти. Жун, ипак, шойи, шифон, ранго-ранг сифатли матоларимиз бор, ранглари, сержилолиги, сифати хорижникидан ҳам устун. Тўғриси, тўқимачилик саноатимизнинг маҳсулотлари харидоргир, бозорбоп. Хўш, унда нега бозорларимизда тайёр маҳсулот ҳолида кўп чиқмаяпти?

Либослар кўрик-танлови. Сиз, охирги марта қачон ҳамюрт модельерларимизнинг коллекциясини кузатдингиз? Телевизор орқали бўлсаям кузатгансиз. Улар яратаётган модалар туркуми устида фикрлашамиз. Қувончлиси, ўзбекистонлик модельерлар ҳам тез-тез кўрик-танловлар ўтказаяпти, турфа олам модалар яратишяпти. Айтмоқчиманки, бизда истеъдодли бичиқчи, безакчи, тикувчи, либосчилар йўқ эмас, бор. Шундай танловлардаям кўп бор қатнашдим, узоқ қидирдим, нега биз «супер-мода» ярата олмаяпмиз?

Учинчи минг йилликда қандай либослар супер-мода бўлади? Шу мақсадда 2000 йилнинг декабрида пойтахтдаги «INKONEL» бизнес комплексида ўзбекистонлик модельерларнинг кўрик-танлови ўтказилди. Буюк Британиялик ва МДҲ давлатларидан ташриф буюрган нуфузли ҳайъат аъзолари иштирокида «Зарсўзана» конкурсида «Олтин тўғноғич» соврини учун энг яхши 10 нафар модельерчилар ўзларининг шахсий коллекциялари билан қатнашди. Очиғи, уларнинг яратган коллекцияларига эътирозим йўқ. Фақат, улар тавсия этаётган модалар миллий маданиятимиз, қадриятларимиз, иқлимимиз ва миллий либосларимизнинг анъаналаридан анча йироқ. Бир сўз билан айтганда, бу модалар на жаҳонни, на бизни талаб-истагимизни қондира олмайди.

Юртимиз енгил саноати, тўқимачилари томонидан ишлаб чиқарилган нафис шифон, жун, ҳар хил матолардан тайёрланган коллекцияларни йиғилганлар ҳаяжон билан кузатиб туришди. Олқишлар ҳам бўлди. Бари жойида. Лекин шу модалар бизнинг харидор дидига мос тушармикин? Таниқли модельеларимиздан бирининг коллекциясидан, очиғи, мен бироз афсусландим. Чунки ўзбек миллий бош кийими, дўппига «соябон» ўрнатилибди ва «янги аср дўпписи»га айланибди. Яна бир коллекцияда турли, қора ва хон атласдан (аждодларимиздан ҳеч қачон эркаклар рангли, турли, қора атласдан шалвар ёки камзул киймаган!) ёш йигитлар учун калта шалвар, енгсиз камзул «супер-мода» дея намойиш этилди. Ярим ялангоч харир матога ўралган қизлар «Олтин тўғноғич»га даъвогар бўлишди. Ўзингиз энди мушоҳада қилинг, дўппига соябон ўрнатган билан у шапка ёки кепка бўлиб қолмайди-ку?! Ўзбекнинг миллий дўпписини бутун дунё барибир «бу дўппи, миллий бош кийим», дея қабул қилади. Лекин бутун дунёга дўппини «супер-мода» бош кийим деб тавсия қилиш бориб турган мантиқсизлик эмасми?

Бундан 15 йиллар чамаси олдин ҳам шундай танловда иштирок этувдим. Шунда хорижлик бир шарқшунос мутахассис, олима, модельер яратган либоснинг енг ва ёқасига «бостирилган» жиякни кўрсатиб, бошини истеҳзо билан сарак-сарак қилиб: «Бу жияк, халқингиз қадимда ҳеч қачон жиякни ёқа ва енгга бостирмаган, афсус, модельер миллий калоритни сақлай олмабди», деганида мен Европа, Ғарб модельерлари наинки, ўз халқи балки бошқа халқлар маданияти, миллий либослари ҳақида чуқур билим эгаси эканликларига амин бўлгандим. Назаримда, бу танлов ҳайъатидагиларнинг баъзилар ҳам «соябонли дўппи», «атлас шалвар» коллекциясини худди шундай қабул қилган бўлса, ажабмас. Ваҳоланки, бу танлов модельерларимиз учун жаҳонга ўз либослари коллекцияларини чиқариш учун қулай имконият эди-ку!

Одатда, либослар кўриги ҳар фаслга мослаб ўтказилади. Шу ўринда 2001 йилнинг апрель ойида Тошкентдаги «Баракот» бизнес марказида бўлиб ўтган «Катта шаҳар чироқлари» либослар кўргазмаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Мода учқур дедик. Демак модельерлар ҳар куни, ҳар фаслга мослаб ижод этиши, тинмай изланиши, дунёдаги «модалар олами»даги янгилик ва ўзгаришларни синчковлик билан кузатишлари керак. Шу кўргазмада юртимизнинг 15 нафар модельерлари ўз коллекцияларини йиғилганларга, оммавий ахборот воситаларига, нуфузли ҳайъат аъзоларига тақдим этишди. Ўтган салкам беш ой ичида яна қанча янги русумлар дунё бозорларига чиқа бошлади.

Хўш, бизнинг модельерларимиз «бугунги модани» ўз коллекцияларига қандай киритишаяпти? Тавсия этилган баъзи либослар, очиғи эски услубда, аксарияти, «жанговар» (авангард) услубидаги коллекциялардир. Тўғри, жанговар услуб умуман истеъмолдан чиққани йўқ. Лекин у бугуннинг супер-модаси эмас-да. Ваҳоланки, янги минг йиллигимиз — шўх, ўйноқи, кўнгилочар, бежирим, ихчам услубда, очиқ ранглар — сариқ, олов ранг, яшил, мовий, ложувард, ҳантал, настарин, бинафша, оч жигарранг ранглар энг супермода рангларга айланди. Афсус, бу танловдаям модельерчиларимиз тавсия этаётган либослар «бугунги ранглар» модасида эмас, бўғиқ ранглардан ташкил топган.

Мато — ранг — услуб уйғунлиги улар яратган коллекцияларда деярли сезилмайди. Ҳатто таниқли модельерларимиз ҳам яна иқлим ва миллий калоритга эътиборларни қаратишмаган. Ахир, қора матодан ёзлик либослар, тўқилган қалин ёки тўр матолардан кузлик ёки баҳор учун очиқ-сочиқ, калта — ярим ялангоч либосларни тавсия этишаяпти. Моданинг қатъий талаби мато — ранг — услуб уйғунлигидир. Яна бир мулоҳаза, эркаклар учун тавсия этилаётган коллекцияларда ярим ялангоч модалар кўп, ахир бизда ёш йигитлар ёки ўрта яшар эркаклар кўча-кўйда ярим ялангоч ҳолда юришни ўзларига эп кўришмайди-ку. Айтайлик, бу модалар ташқи бозор учун десак, ғарбда, Европада умуман, хорижда эркаклар ҳам ялангоч модалардан чекинишаяпти.

Хўш, бугунги кунда очиқ рангдаги матолар бизда борми? Бор, айнан шундай матоларни «Косонсой Текмен» ишлаб чиқараяпти. Кўнгилни кўтарадиган шу — бизда харидорнинг талабига мос мато бор-у, афсус, уни чиройли, бежирим, дидимизга мос қилиб модага айлантириб берадиган модельерлар кам. Борларимиз, дунёдаги машҳур «Модалар уйи» тажрибаларини ўрганиш, билимларини ошириш устида изланмаяпти. Демакки, улар яратаётган модалар ташқи бозорга чиқиш, дунёдаги таниқли модельерлар яратаётган либослар билан рақобатлашиши жуда қийин. Чунки улар яратаётган аксарият коллекциялар «мода»дан қолаётган «мода». Қандай қилиб бугунги мода бўлсин?

Зеро, «ўз модамиз» бўлишига эришмасак, кийиниш маданияти ҳам маънавий эҳтиёждайин, бу бўшлиқни дарҳол «бошқа мода» эгаллаб олаверади. Ёшларимизга: «ярим-ялангоч кийинманг, миллатимизга ёт» деб эмас, уларнинг дидига мос замонавий либослар яратибгина бу муаммони ҳал этиш мумкин.

Мода аслида ҳар бир инсоннинг юксак диди, маданиятидан дарак беради. Қолаверса, у тараққиёт белгиси, енгил саноатни ташқи дунёда нуфузини оширувчи, энг яхши восита. Яна бир муҳим жиҳати мода ички ва ташқи бозорни тўлдиришнинг энг яхши йўли.

Ўйлаймизки, ранго-ранг матоларимиздан дунёвий андозаларга мос либослар тикилса, жаҳон бозори харидорларини забт этиш мумкин. Ёки харидорларимиз «иқлимга мос эмас», «суньий» деяётган кийимлар ўрнига ўз матоларимиздан иқлимимизга мос, ўз модамиз бўлса, бозорларимизни тўлдирсак, арзон, сифатли либосларимизни харидорларимизга тавсия этсак, савоб иш бўларди. Албатта, модельерларимиз, дизайнерларимиз янги-янги коллекциялар яратиш борасида катта тажрибага эга эмаслар. Лекин энг асосийси, бизда улар ўз устида ишлаш учун имконият — коллекцияларини дунёвий модалар даражасига кўтариш учун ёрқин бўёқларга бой матолар бор.

■ **Саида САЙХУН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

ИККИ ҲОЛАТГА БИР ХИЛ ЖАЗО

Газетага Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида яшовчи Азамат Норқуловдан келган шикоятни ўрганишда ҳам адолатсизлик, ички ишлар соҳасида ишловчилар тили билан айтганда, совуққонлик бўлганлиги кўриниб турибди.

Азамат оддий деҳқон фарзанди. Ўзининг интилишлари, ҳуқуқшуносликка бўлган қизиқишлари боис мактабни битирибоқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Академияга ўқишга кирди. Академиянинг ҳуқуқшунослик мутахассислигини 1997 йилда тугатиб, юрист квалификациясини олади. Шу йилнинг сентябрь ойидаёқ Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлимида одобахлоқ доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори бўлиб ишлай бошлайди. Орадан атиги етти ой ўтиб, яъни 1998 йилнинг 13 мартидан бошлаб, иш фаолиятидаги ютуқлари боис жиноят қидирув бўлинмасига тезкор вакил лавозимига ўтказилади. Шу ишда у бор-йўғи 45 кун ишлайди. Сабаби, апрель ойининг охирларида вилоят миқёсида ички ишлар тизими вакиллари «Қидирув» тезкор тадбирини ўтказади. Шунда Шаҳрисабз тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Хайрулла Сайфуллаевнинг буйруғига асосан жиноят қидирув бўлимининг катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Рустам Худойбердиев бошчилигида гуруҳ тузилади. Азамат Норқулов ва Рустам Худойбердиевлар Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлими томонидан қидирилаётган Бахтиёр Юсупов, Бобур Султонбоев ва Ҳайит Алиқуловларни ахтариб Тошкентга келади. Гуруҳ раҳбари Рустам Худойбердиевнинг қўлида ҳар учала қидирувдагиларни қамоққа олиш тўғрисидаги санкциялар бор эди.

Ниҳоят, 1998 йилнинг 28 апрель куни қидирувда бўлган жиноятчилардан бири Бахтиёр Юсупов яшаётган хонадон аниқланади. Шу куни тунги соат 23 билан 24 лар оралиғида Ҳамза туманидаги хонадонлардан бирида Бахтиёр Юсупов ушланиб, туман ИИБнинг навбатчилик қисмига олиб борилади ва у ерга вақтинча ушлаб туриш мақсадида топширилади. Навбатчилик қисми рўйхат дафтарига Азамат Норқулов жиноятчини топширганлиги тўғрисида имзо чекади. Гуруҳ аъзолари дастлабки ишлар муваффақиятли якунлангани тўғрисида Шаҳрисабз туман ИИБга телефон орқали хабар қилади. Эртаси куни Рустам Худойбердиев Ҳамза тумани ИИБ навбатчилик қисмидан Бахтиёр Юсуповни Шаҳрисабз туманига олиб кетиш учун қабул қилади ва рўйхат дафтарига имзо чекади. Шу ернинг ўзида Рустам Худойбердиев ўзи билан Бахтиёр Юсупов қўлига кишан солади.

Гуруҳ аъзолари жиноятчини Шаҳрисабз туманига олиб кетиш мақсадида Отчопар бозори ёнидаги автобуслар бекатига олиб келади. Шу ерда қидирув гуруҳи бошлиғи Р. Худойбердиев Азамат Норқуловга қуйидаги буйруқни беради. У: «Азамат сен бозорни оралаб қидирувда бўлган Б. Султонбоев ва Ҳ. Алиқуловларни ахтариб чиқ. Улар Отчопар бозорида юришади, деган маълумот бор», деб қидирувдагиларнинг фото суратлари ва санкция нусхасини беради. Ўзи эса қўлидаги кишанланган жиноятчи Б. Юсуповни бекатда ушлаб туради.

— Мен чамаси 30-40 дақиқалар Отчопарни ахтардим. Бозордаги ички ишлар бўлими ходимларига фотонусхаларни кўрсатдим. Сўнг, ушбу ҳолат бўйича ахборот бериш учун Рустам Худойбердиев турган бекатга келдим. Афсуски, жиноятчи Б. Юсупов катта лейтенантнинг қўлида йўқ эди, — дейди лейтенант Азамат Норқулов.

Бу ҳолатни Рустам Худойбердиев шу пайтнинг ўзида Азаматга шундай изоҳлайди: «Бахтиёр Юсупов ҳожатхонага кирмоқчи бўлувди, шунга олиб бориб кишанни ечгандим, одамлар оралаб қочиб кетди, чин кўнгилдан афсусдаман». Худди шу гапни у терговда ҳам, судда ҳам такрорлайди. Бу ҳақда суд ҳукмида аниқ-тиниқ ёзилган.

Мазкур ҳолатдан кейин катта лейтенант Р. Худойбердиев ва лейтенант А. Норқулов бир хил Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Қизиғи шундаки, катта лейтенант Р. Худойбердиев милиция олий мактабини тугатган. Қашқадарё вилояти ИИБсида жиноят қидирув тезкор вакили бўлиб ҳам ишлаган. Тажрибаси бор. Аммо, у қандай қилиб жиноятчи Б. Юсуповнинг найранггига тушиб қолган? Бу ёлғиз Оллоҳга аён.

Р. Худойбердиев суд жараёнида айбига тўлиқ иқрор бўлган. У Б. Юсуповни ўзи қочириб қўйганлигини, у қочганда Азамат Норқулов ёнида бўлмаганлигини, Азамат бошқа қидирувда бўлганларни ахтариб Отчопар бозорига кирганини тан олади. Аммо, судья М. Абдуғаниев буларни инобатга олмади. Азаматнинг суддаги сўзларига ҳам ишонмади. Судья учун бу ўйлаб топилган важ, деб ҳисобланди. Ҳар икки ички ишлар вакили юқоридаги модда асосида айбланди. Сўнг Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1998 йил 18 декабрдаги ажрими чиқди. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги муносабати билан амнистия чиқарилгани асосида жазодан озод қилинди.

Шу ўринда суддан кейин ўз айбига иқрор бўлган Р.Худойбердиев ҳеч қаерга ўзининг норозилигини билдирмаганлигини келтиришни лозим топдик. Аммо, Азамат Норқулов бугунгача чиқарилган ҳукмни адолатсиз, деб ҳисоблайди. У ўз адвокати билан Тошкент шаҳар судига кассация аризасини ҳам ёзади. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмайди.

Жиноятчи Б. Юсупов 1999 йил май ойида Шаҳрисабз тумани ИИБга ўз айбига иқрор бўлиб кириб келади. У 1999 йилнинг сентябрида Қашқадарё вилоят судининг ҳукмига асосан тўрт ярим йилга озодликдан маҳрум этилиб, ҳозирги вақтда жазони ўтаяпти.

Шу ерда юрагинг жиз этмай илож йўқ. Бир касофатнинг айби билан икки олий маълумотли ички ишлар бўлими тезкор ходимлари саргардон бўлса-я!

Шундай бўлса-да Азамат ўз келажагига ишонади. Ўтган йили тўнғич фарзанди туғилди. Қизалоғи ҳозир 10 ойлик чақалоқ. Унга яхши ният билан Тўмарис деб исм қўйди. Қолаверса, ўз ишини яхши билган ҳуқуқшунос ҳар қандай вазиятда шериги Азамат Норқулов ёнига келмасдан жиноятчининг қўлини кишандан озод этмаслиги керак эди. Бундан ташқари, терговчи ҳам, судья ҳам бевосита ва билвосита айб билан шунчаки айбдор ҳисобланганнинг фарқига бориши керак эди, назаримизда.

Шу ерда нуқта қўйсак бўларди. Аммо, Азаматнинг газетага ёзган арзномасида шундай гаплар бор экан, у шундай ёзибди: «Арзномам орқасида инсон тақдири ва келажаги турибди. Шунинг учун юқоридагиларни инобатга олиб, адолат ва ҳақиқатни тиклашга, инсонпарварлик ва ҳақиқий демократиянинг, адолатнинг қарор топишига ёрдам бергайсиз. Чунки, оддий деҳқон фарзанди бўлиб шу озод Ватанда ўсдим, улғайдим. Ўқиб азиз Ватанимга сидқидилдан хизмат қилишни юрагимга туккан эдим. Афсуски, ҳаётда нотекис йўллар кўп экан. Шояд адолат қарор топса...

Биз ҳам адолат тарафдоримиз. Бу борадаги сўнгги сўзни айтиш ҳуқуқ органларида қолди...

■ **Эркин ЭСИРГАДИЕВ**

«УЧҚЎРҒОН - ЁҒ» ОАЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги «Учқўрғон-ёғ» ОАЖ акциядорларининг 2000 йил молиявий натижаларига бағишланган умумий йиғилиши шу йилнинг 30 май куни соат 13⁰⁰ да жамият клуби биносида бўлиб ўтади.

Рўйхатга олиш 30 май куни соат 10⁰⁰ да бошланади.

Кун тартиби:

1. 2000 йил молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот ва 2001 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
2. Баланс, молиявий натижалар ҳисоботи ва дивиденд тақсимоти.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
5. Ҳар хил масалалар.

«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖнинг 2001 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия балланси (минг сўм)

1. Узоқ муддатли активлар –	110724
2. Оборот активлари –	890516
Актив бўйича жами –	1001240
3. Ўзлик маблағларининг манбалари –	27083
Шу жумладан устав фонди –	11273
4. Мажбуриятлар –	974157
Баланснинг пассиви бўйича жами –	1001240

«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий натижалари (минг сўм)

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум –	2886201
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) –	15564
3. Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) –	15564
4. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) –	10413

Манзил:
Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Қурбоналиев кўчаси, 2-уй.

«Учқўрғон-ёғ» ОАЖ Кузатув кенгаши

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҚАЛБ МАВЖИДАН ЧИҚҚАН НАВОЛАР

Бухоройи шарифнинг пиру комил Баҳоуддин Нақшбанд номидаги кўчаси айни баҳорда жуда ястанади. Бу катта кўча, унинг атрофидаги хиёбону йўлаклар атрофи сархил гуллар билан чунонам безанганки, кўриб кўз қувнайди. Айниқса, номозшомда бу дилкушо масканлар ёшу қари билан гавжумлашади. Шариф шаҳарнинг асл фарзанди Абдурауф Фитрат номидаги хиёбонда ҳассага таяниб, оҳиста одимлаётган нуроний қария эса ўз хаёли билан банд. Хира тортган кўзларида ойнак, камтарона кийими озгинроқ гавдасига жуда ярашган бу чолни дарров танидим — қалбининг мавжидан чиққан наволари ила бутун мамлакатимизда номдор ва донгдор композитор, ўзбек мусиқа санъатининг довруғини етти иқлимга таратган, халқини, она-юртини бутун вужуди билан севган жонфидо инсон Мутал Бурҳонов! Тўғри, бугунги авлод отахонни Ўзбекистон мадҳиясига куй басталагани ва ўнлаб опералари билан дарсликлардан таниши табиий. Аммо, айни чоғда саксон беш баҳорни қаршилаган бу жасур ва матонатли инсон ёнларида эканлигини билишмайди-да. Мутал ота эса уларга завқ ила боқади, юртининг келажаги, эгаси ҳур ва озод замонда вояга етаётганидан кўнгли таскин топади.

Кўп кузатганим бор. Мутал ота бундан қарийб беш йил илгари ўзи туғилиб ўсган кўҳна шаҳарда яшашни ихтиёр этганларида дастлаб ўша асрлар силсиласидан омон қолган тарихий обидаларни зиёрат этишга кўпроқ вақт сарфлар, Минораи Калон, Масжиди Калон, Арки Олий, Ситораи Моҳи Хосса каби ўнлаб ёдгорликлар олдида анча туриб қолардилар. Ўн ёшлигидаёқ бу шаҳардан олислаб кетгани учун унинг турфа жилосидан, ширин дийдоридан тўймагани, бунинг устига ота-онасидан етим қолиб, амакию акалари қатағон йиллари қурбони бўлгани сабаб ҳар бир ёдгорлик, ундаги битиклар шаҳид кетганлар хотирасидан сўзлагандек туюларди унга гўё. Шунда хаёлимдан отахон бежиз термулмаганлиги, ахир унга шунча кучни, такрорланмас истеъдодни ана шу она шаҳри, унинг гумбазлари, пештоқлари, бетакрор кошинлари берган бўлса ажабмас деган ўй ўтади.

Отахон Абдурауф Фитрат ҳайкали ёнидаги ўриндиққа оҳистагина ўтираркан, милки қизарган кўзларини артди. Ҳассасини икки оёғи орасига олиб, хомуш хаёлга ботди чоғи, атрофида бир-бирини қувалашиб юрган шодон болаларга эътибор бермади ҳам. Фақат чолнинг гавдаси оҳиста чайқалар, лаблари унсиз пичирларди. Шунда чамалагандек бўлдим. Мутал ота саксон ёшдалигида халқимизнинг ўттизинчи йиллардаги қатағонда шаҳид кетган асл ўғлонлари, бўлажак композиторнинг маслакдошлари — Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир ҳамда бастакорнинг акаси Мисҳоб, амакилари Масҳариддин, Мукаммил, Муаммир Бурҳоновларнинг ўчмас хотираларига бағишлаб «Адабий хотира» номли марсиясини ёзганини эслаяптими? Ҳа, бу асари билан улар олдидаги қарзини узди-ку! Шу азиз инсонлар унга кўп нарсани ўргатишган, оқ-қорани ёшлигидаёқ ажрата билишга кўмаклашган эмасми?!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг муаллифи, устоз бастакор Мутал Бурҳонов (ўнгдан иккинчи) мамлакатимизнинг таниқли зиёлилари — (чапдан) журналист Анвар Жўрабоев, академик Пўлат Ҳабибуллаев, актёр Ёдгор Саъдиев, журналист Ўткир Раҳмат, «Ибн Сино» жамғармаси раиси Шуҳрат Иргашев, Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи Саид Аҳмад, шоир Азим Суюн, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ва бастакор Рустам Абдуллаевлар билан.

■ Рустам ШАРИПОВ олган сурат

Кечагидай эсида: ота-онасидан етим қолганида уни катта амакиси Мазҳар Бурҳонов ўз қарамоғига олди. Шундан сўнг Самарқанддаги янги усулдаги ўзбек мактабида, кейинчалик Шердор мадрасасидаги Ўзбекистон мусиқа ва хореография институтида ўқиди. Ўшанда институт директори Н. Н. Миронов Муталдаги истеъдодни пайқаб, «Бу боланинг музикада таланти бор, уни албатта ўқитамиз» деганди. Боз устига Муталнинг Фотима исмли опаси Абдурауф Фитратнинг умр йўлдоши эди. Шу боис у домланинг уйига тез-тез борар, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Элбек, Усмон Носирларнинг қизғин суҳбат ва баҳслари гувоҳи бўлар эди.

— Фитратнинг уйида ҳафтада бир марта мусиқа намояндалари йиғилишарди, — деб хотирлайди Мутал ота. — Домла Ҳалим Ибодов, Ота Ғиёс, Ота Жалол, Абдуқодир Исмоилов сингари устоз ашулачилар ташриф буюришди. Улар ижросидаги Шарқнинг бетакрор оҳанглари нафосатини мурғак қалбимга кўчириб, уларнинг бебаҳо хазина эканлигини ҳис қилардим.

Бобоқуёш Минораи Калон ортига яширинганда атоқли санъаткор яна ўзига таниш йўлакдан ортига вазмингина одимлади. Бир пайтлар қадим шаҳарнинг кунчиқар томонида Кўксарой маҳалласи бўларди. Бугун унинг ўрнида ҳашаматли турар-жойлар қад ростлаган. Маҳалла номи йўқолмасин дея бу ердан «Кўксарой» замонавий нонвойхонаси қурилиб ишга туширилганлигига анча бўлди. Ана шу сўлим маскандаги шинамгина уйларнинг биридa мамлакатимизнинг эзъозли фуқароси Мутал Бурҳонов яшайди. Отахон ёлғиз эмас, унинг уйи шогирдлари, дўстлари билан ҳамиша гавжум. Биз ҳам отахон суҳбатидан бахраманд бўлиш, у кишини табаррук 85 ёшлари билан қутлаш учун домланинг ҳузурига ошиқдик.

— Айтиб қўяй, домла ўта нозиктаъб, камгап, — дея таъкидлади вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Ҳикматжон Ражабов. — Сиз, журналистлар касалингизни биламан — саволларга кўмиб ташлайсиз-лар. Ишқилиб, толиқтириб қўймайсиз-да!

— Толиқтирсак, шеър, ашула айтиш қўлимиздан келади, — деди ҳамроҳим вилоят театрининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев. Мен эса сир бой бермадим. Учинчи ҳамроҳим суҳбатга аралашди.

— Шу ёшларида домланинг ўзлари бизларга бирорта куй ёки ашула айтиб берсалар ажабмас, — деди умид билан Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юрти директори Бахтиёржон Ярашиев.

Шу илинжда эшикдаги тугмачани босдик. Домла бизларни самимий кутиб оларкан, ичкарига бошлади. Стол атрофида ширин суҳбат тезгина қўр олди. Домла қувончидан ўзини қўярга жой тополмас, аҳён-аҳёнда қўрслигим қурсин, деб жилмайиб қўярди.

— Илтимосим шуки, мени ҳеч қачон мақтаманглар. Сўраб келганларингизнинг ўзи мен учун катта сийлов деб қабул қиламан, — домла энди қулфи дили очилиб гапирарди. — Умр бўйи эзгулик дея яшадим. Ҳаётимда нене оғир кунларга рўбарў бўлдим, оғир синовлардан ўтдим. Ҳалол яшашга интилдим. Бунинг учун онам Шопошшодан миннатдорман. У киши ўлмасларидан икки йил олдин менга атаб жойнамоз тикканлар. Ундаги битикларда «сени худонинг ўзи ҳар балодан асрасин», деб ёзилган.

Суҳбат жараёнида домланинг кўнгил хазинаси жуда бойлигига амин бўлдик. Таржимаи ҳоли ибратли: 1934 йилда Москвада, аввал мусиқа раҳбарлигида, сўнгра ўзбек опера студиясида ва ниҳоят П. И. Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясида таниқли мусиқашунослар қўлида таҳсил олади. 1941-42 йилларда Москва мудофааси кўнгиллилари сафида бўлади. Соғлиғи ёмонлашгани сабабли Тошкентга қайтади ва ижод билан шуғулланади. 1949 йилда ушбу консерваторияни тугатади. М. Бурҳонов ярим асрдан зиёд фаолияти давомида ўзбек мусиқа санъатига улкан қисса қўшганини — кўплаб қўшиқлари, лирик романслари, жўрсиз хор учун қайта ишланган Шарқ халқлари қўшиқлари, вокал симфоник асарлари, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасига, «Бой ила хизматчи», «Орол балиқчилари», «Абу Али ибн Сино», «Мафтунингман», «Самолётлар қўна олмади», «Сурайё», «Истиқбол йўли» каби фильмларга басталаган мусиқалари, «Алишер Навоий» номли операси санъатимиз олтин хазинасидан муносиб жой олгани фикримизнинг исботи эмасми?! Энг ифтихорлиси шуки, Ўзбекистонимиз мадҳиясининг ҳам муаллифи сифатида мана бир неча йилдирки, у мамлакатимиз шоншавкатини етти иқлимга кўрсатиб келмоқда.

Отахон ўзи ҳақида гапиришдан тийилган инсон бўлганлиги учун уйидаги суратларни томоша қилишга изн берди. Бизнинг истагимизни бажо келтириб, Лоҳутий шеърига басталаган романсини роялда ижро этаркан, ҳаммамизни лол қолдирди. Отахоннинг бармоқлари роял клавишлари устида енгил ҳаракат қилар, овози эса ҳамон ўша-ўша. Ахир, тўқсон сари одимлаётган бу инсоннинг юраги тоза, қалби пок бўлгани учун ҳам яратганнинг ўзи марҳаматини аямагани рост-да. Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мустақиллигимизнинг 7 йиллигида «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби бўлди. Мутаваккил Бурҳоновнинг республикада самарали ижод қилаётган шогирдлари бисёр. Биргина Бухорода у кишининг ўнлаб эл севган шогирдлари борки, домла улардан миннатдор.

— Шундай доно Юртбошимиз бор экан, юкимиз ерда қолмайди, — дейди отахон фахр билан. — Ёшлар у кишига қўл-қанот бўлишлари даркор. Бизнинг ҳам ҳали юртдан, элдан бироз қарзимиз бор. Танамда жоним бор экан, юртим хизматидаман. Ёзилажак куй-қўшиқ, романс, опералар кўп...

Ҳа, юртимизнинг ана шундай атоқли, оташин дарғалари бор экан, ўзбегим уйида қалб мавжидан чиққан наволар баралла янграйверади.

■ Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚУТЛОВ

БЕДОР ЖУРНАЛИСТ

Газетамиз бағрида не-не қаламкашлар камол топган. Шулардан бири — Шоҳайдар Мирҳабибовнинг ҳам ўзига хос ўрни ва йўли бор. У мактабни тугатгач, дастёр бўлиб ишга келди. Қорачадан келган, чаққонгина, гавдаси миқти йигит бу ерда эътибор топди. Хабар ёки мақолалар ёзишда кун-бакун машқи юксалиб борди. Чархланган пайтда аскарликка чақирилди.

Армиядан қайттач, ҳарбий кийимини ечмаёқ таҳририятта кириб келди. Касбдошлари даврага олишди. Уни бош муҳаррир ўринбосари, севимли устоз Холбек Ёдгоров бағрига босаркан, «аввалги жойингда иш бошлайвер, шахмат ўйнашни унутмадингми?» деб ҳазиллашдилар. Оталарча меҳрибонлик аскар йигитни яна таҳририятта чорлади. Ўз касбининг устаси бўлган Моҳира Тухфатуллина, Абдуллажон Раҳимов, Алижон Маъзумов, Раҳима Муҳсинова, Мария Зиёдова, Мактуба Алимова сингари устозлари унга мусаҳҳиҳлик сир-асрорларини эринмай ўргатишди.

Устоз қаламкашларнинг ёзганларини газета оқлангунча ўқийвериб, кўзи пишган йигит бўш қолди дегунча ишлаб чиқариш соҳасида шаҳар атрофидаги илғор хўжаликларга бориб, қоғоз қоралаб келаверарди.

Илк иш бошлаган кезлари устозлар ўгити қўл келди. Бир гал Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги республика полизчиларининг анъанавий «Ширипак» мусобақасидан репортаж ёзиб келди. Ўшанда устоз Абдукарим Набихўжаев уни эринмай таҳрир қилгач: «Мана энди репортаж бўлди, бу жанрга ихчамлик маъқул, супрадай қилиб юборибсан. Ҳамма парсани газета кўтармайди, пишиқ, жонли ёзишга ўрган. Сўзни тежа. Шундагина яхши бўлади», — деганди.

Устоз кўрган шогирд мана 30 йилдирки, етакчи қаламкашлар қаторида. Энди ўзи ёшларга сўз қўллаш мавридини ўргатмоқда. Унинг «Тилими тилни ёради», «Суворийлар от сурганда», «Пахтазор чорлайди», «Далалар уйғоқ» сарлавҳали репортажлари эсда қолган. Айниқса, таржимага қизиқиши, иқтисодий-таҳлилий мавзуларда ёзган мақолалари матбуот саҳифасида тез-тез кўринмоқда. У ёғ-мой саноатидаги ютуқлар, долзарб муаммолар ҳамда ижобий ишлар ҳақидаги турли мақолалари туфайли эътибор қозонди.

Шоҳайдар Мирҳабибов етук ёшда. Унинг ўз услуби бор. Фикри-ёди буюк келажак сари собит турган мустақил республикамиз бўй-бастини матбуот саҳифаларига кўчириш.

Ардоқли шоир Ғафур Ғулом газетамизни дорилфунунга қиёслаган эди. Бу масканда ажойиб ижодкорлар тарбияланган. От изини той босади деганларидек, Шоҳайдар ҳам энди устоз сифатида ёшларни ўз қанотига олган. Улардан бири Мирбахтиёр Мирфайзиев ҳозир ўзи билан ҳаммуаллиф елкадош. Абдуғани Мамасодиқов, Шуҳрат Тўпаев, Аслиддин Суюнов, Матназар Элмуродов сингари ёш ижодкорлар эса унинг ҳаётий тажрибаларидан баҳраманд бўлишяпти.

■ Юнус ЗИЁДОВ

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-47-80, 133-38-55
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Özbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Özbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ТАШКИЛОТ
Тошкент шаҳридаги омбордан Перм вилоятининг Камск шаҳрида ишлаб чиқарилган 84-А форматли газета қоғозини сотади.
Телефонлар: 136-74-33, 136-53-20.

UZBEKISTAN airways
ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ
«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ
ТОШКЕНТ – ОСАКА – ТОШКЕНТ
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЯНГИ ДОИМИЙ ҚАТНОВИ
2001 йил 27 апрелидан бошлаб Сиз HY-525/526 қатновидан фойдаланиб, Кунчиқар мамлакат — Японияга ташриф этиш имкониятига эга бўласиз.
Мазкур қатнов ҳар жума куни «Боинг-757»да бажарилади.
Тошкентдан учиш вақти — 22-35 (жумада)
Осакага келиш вақти — 09-55 (шанбада)
Осакадан учиш вақти — 12-00 (шанбада)
Тошкентга келиш вақти — 16-25
Авиачипталарни сотиш ва бандлаш: Тошкент, Усмон Носир кўчаси, 9-уй.
Шунингдек, Ҳаво алоқалари бош агентлигининг барча филиалларида.
Халқаро йўналишлар бўйича маълумотнома хизмати:
тел.: 56-38-37 (ҳар куни соат 8-00 дан 20-00 гача).
Авиачипталарни офис ва уйга етказиб бериш: тел.: 152-27-90.
«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК

Ўтли гиёҳлар билан ўт пуфагидаги тошни, умуртқа поғонадаги ўсимталарни ва 12 бармоқли ичакдаги яллиғланишларни жарроҳсиз даволаймиз.
ТЕЛЕФОНЛАР: 46-57-94, 46-65-15.

«ШИФОБАХШ БУЛОҚ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Жамиятнинг навбатдаги умумий мажлиси 2001 йил 24 майда Тошкент шаҳар, Ҳ. Асомов кўчаси, 1-уйда жойлашган жамият мажлислар залида бўлиб ўтади.
Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:
1. Жамиятнинг 2000 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисида.
2. Низом жамғармасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
3. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
4. Жамият фаолиятига боғлиқ турли масалалар.

«ШИФОБАХШ БУЛОҚ» ОАЖ 2000 ЙИЛ БАЛАНСИ
(минг сўм)

Кўрсаткич номи	Актив	Пассив
Асосий воситалар	7283	
Капитал қўйилмалар	778	
Бошқа заёмлар	484	
Ишлаб чиқариш заҳираси	60734	
Қайта сотиладиган товарлар	4887	
Тайёр маҳсулотлар	7928	
Келажак давр харажатлари	81	
Пул маблағлари	791	
Харидорлар билан ҳисоблар	61277	
Бюджет билан ҳисоблар	730	
Бошқа дебиторлар	992	
Низом жамғармаси		7657
Орттирилган капитал		2639
Тақсимланмаган фойда		58748
Қисқа муддатли кредит		13720
Бунак маблағлар		2225
Кредиторлар		60976
БАЛАНС	145965	145965

Аудитор — «Олий аудит» аудиторлик фирмаси. Адлия вазирлиги томонидан берилган 379-сонли гувоҳнома (1997 йил) ва Молия вазирлиги томонидан берилган 352-сонли лицензия(1997 йил)га эга.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 30 май, 6,13 июнь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.
Савдога қуйидагилар қўйилади:
1. Қуйи Чирчиқ тумани Дўстобод шаҳри Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли идора биноси ва уруғ омбори биноси.
Идора биносининг бошланғич баҳоси — 450000 сўм.
Уруғ омбори биносининг бошланғич баҳоси — 520000 сўм.
2. Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор қўрғони Ҳамкорлик кўчасидаги собиқ Янгибозор каноп заводига қарашли гараж биноси.
Бошланғич баҳоси — 1250000 сўм.
Мазкур объектларни сотишда ер майдонлари бу баҳога кирмайди.
Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ёки қайтган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдода сотилиши мумкин.
Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари ўтказилади.
Бизнинг манзилимиз:
Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
Тел.: 133-77-18.
Факс: 133-49-31.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Озодлик» акциядорлик жамиятига тегишли бўлган «ММЗ-45023» русумли, давлат рақами 06 64 ТШП автомобилига берилган АТ-016970 ҳамда АТ-0169542 рақамли лицензия карточкалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 284-лицей-мактаби томонидан 1999 йил 11.06 да Наргиза Согдуллаевна Пешехонова номига берилган VZK № 0125666 рақамли таянч маълумоти ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 45-ўрта мактаб томонидан 1995 йил 17 июнда Дилшод Мулавоевич Абдуваҳобов номига берилган АО № 019241 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХХР фуқароси Хен Цзун Цзе номига берилган PCHN 149943279 серияли паспорт йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ